Дилфуза САГДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

«ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ» АСАРИДА КЕЛТИРИЛГАН ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ВА ИСЛОМ УЛАМОЛАРИ

Юртимиз мустақилликка эришгач, заминимизда яшаб, ижод этган буюк алломалар фаолиятини ўрганишга киришилди. Мамлакатимиз ҳудудида яшаб, ўз асари билан жаҳон аҳлини ҳайратга солган буюк аждодларимиздан бири Носуриддин Бурҳонуддин Рабғузийдир. Ислом динини қабул қилган мўғул беги Носуриддин Тўқбуғага Рабғузий томонидан милодий 1309 – 1310 йилларда ёзилиб, тақдим этилган "Қисаси Рабғузий" асарини китобат оламининг гўзал, бетакрор бир обидасига қиёс этиш мумкин. Ёзма ёдгорликда Одам Ато ва Момо Ҳавводан тортиб, Муҳаммад Мустафогача яшаб ўтган пайғамбарларнинг ҳаёти, эзгу фикр ва эзгу амаллари ҳикматлар, ривоятлар орқали моҳирона акс эттирилган. Унда Шарқ фалсафаси билан қадимий миллий қадриятларимиз уйғунлашиб кетган. Асар пайғамбарлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланганлиги боис, у "Қисасу-л-анбиё", деб ҳам ном олган. Асарнинг ибтидоси ўрта аср анъаналарига муносиб равишда басмала, яратганга ҳамд, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) га наът ҳамда асарнинг ёзилишига сабабчи бўлган мўғул беги Тўқбуғага мадҳ келтириш билан бошланган. Асар муқаддима, турли диний қиссалар, туркий ва араб тилидаги лирик кечинмаларни ифодаловчи шеърлар ва хотимадан ташкил топган.

Асар композицияси пайғамбарлар тарихи билан бир қаторда Қуръони каримда келтирилган баъзи қиссалар, Муҳаммад (с.а.в) нинг оила аъзолари, ислом ғазотлари, рошид халифалар даври ҳақидаги маълумотлар асосига қурилган. Мазкур асар чингизийлар ҳукмронлиги давом этаётган бўлса ҳам Волга бўйларидан то Хитой чегараларигача чўзилган улкан ҳудудларда мўғуллар қандай туркийлашаётгани ва ислом таълимотини туркий тилда "ўқимоққа кераклик, ўрганмакка яроғлик" китоблар орқали қабул қилиб мусулмон бўлаётганини кўрсатувчи тарихий далилдир. Сўнгги пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ва исломиятга оид қиссалар асарнинг қарийб, тўртдан бир қисмини ташкил этади. Муаллиф исломий таълимотлар юзасидан келтираётган фикрларининг тасдиғи сифати Қуръон оятларидан кўплаб иқтибослар келтириб, ўзидан аввал яшаб ўтган ислом уламоларининг ҳавола қилинаётган масала юзасидан билдирилган фикрларини "ривоятича", "ривоятига кўра", "ривоят қилур" ва "....розияллоҳу анҳу айтур" шаклида ифодалайди. Асарда бир қанча арабий номлар келтирилган бўлиб, улар воситасида ислом маънавияти ва тарихига оид бой маълумотлар билан танишиш мумкин.

Асарнинг «و القول في السماوات و الأرض» – "Ер ва осмонлар ҳақида сўз" бўлимида илк бор номи қайд этилган тарихий шахслардан бири **Абдуллоҳ ибн Аббосдир.** У тафсир соҳасида сўзлари энг кўп нақл қилинган муфассирлардан бўлиб, Қуръон, ҳадис, фиқҳ, ахбор (тарихий

нақллар) илмларининг донишманди ҳисобланган. У ҳақда Ҳазрати Умар (р.а.)нинг “Ибн Аббос Қуръони каримнинг қандай ажойиб таржимони!” – деган мақтов сўзи мавжуд. Ибн Аббос ўзининг тафсир ва таъвилларида зарурат бўлганда аҳли китобларнинг ривоят ва нақлиётларидан фойдаланган. Қуръон оятларида келган баъзи камёб сўзларнинг маъносини очишда жоҳилият даври шоирларининг шеърларидан ҳам унумли фойдаланган. Ҳижр сурасининг 27-оятидан иқтибос келтирилиб, Аллоҳнинг илк бора оловдан яратган, асарда “*ер юзи халқи*” сифатида ифодаланган жинларнинг ердаги ҳукмронлик муддати юзасидан келтирилган фикрлар, Абдуллоҳ ибн Аббоснинг ривояти асосида ***“ўн саккиз минг йил тутдилар”*** шаклида далилланади. “Қисаси Рабғузий”да мазкур ном умумий 28 марта учрайди. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) га оид бўлимларда эса 13 марта қўлланилган. Абдуллоҳ ибн Аббоснинг шахсияти тўғрисидаги маълумотлар сийра жанрида ёзилган XIV аср туркий ёзма ёдгорлиги “Наҳж-ул-фародис”да ***“....пайғамбар амакисининг ўғли”*** тарзида келтирилади. Абдуллоҳ ибн Аббос Қуръон илми билан бир қаторда халқ тили ва меросини яхши эгаллаган забардаст муфассир олим бўлганлиги учун ҳам унинг ривоятларидан Рабғузий асарида кенг фойдаланилган. Асарда номи зикр этилган киши номларидан яна бири **Каъбу-л-Аҳбордир**. Каъбу-л-Аҳбор асли яман яҳудийларидан бири бўлиб, ислом динини қабул қилган ровийлардан ҳисобланади. У пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.), Умар (р.а.), Суҳайб ва Оиша (р.а.)лардан ривоят қилган. Каъбу-л-Аҳбордан эса Муовия (р.а.), Абу Ҳурайра (р.а.), Ибн Аббос (р.а.), Ато ибн Абий Рабоҳ (р.а.) ва бошқалар ривоят қилганлар. Каъбу-л-Аҳбор чуқур илм эгаси бўлиб, унга “Донишмандлар олийси” номи берилган. Мазкур ном илк марта Намруд қиссасида ва энг кўп Мусо алайҳиссалом қиссасида учрайди. Намруди лаъиннинг тўрт юз йил ҳукмрон бўлганлиги юзасидан фикрлар ***“Каъбу-л-Аҳборнинг ривоятинча”*** тарзида далилланади. Асарда **Ваҳб ибн Мунаббаҳ** номи ҳам қўлланилиб, мазкур шахснинг тўлиқ исми – Абу Абдуллоҳ Ваҳб ибн Мунаббаҳ ибн Сийж ибн Зий Каноз ал-Яманий ас-Санъоий. Қиссалар соҳиби ва тобиъийнларнинг энг яхши уламоларидан бўлган. У форс миллатига мансуб бўлиб, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) даврларида исломни қабул қилган. Ваҳб ибн Мунаббаҳ Абу Ҳурайра (р.а.), Абу Саъид ал-Худрий (р.а.), Ибн Аббос (р.а.), Ибн Амр ибн Ос (р.а.), Жобир (р.а.), Анас (р.а.) ва бошқалардан ривоят қилган. Унинг ривоятлари Имом ал-Бухорий, Муслим, Ан-Нисоий, Ат-Термизий ва Абу Довуднинг саҳиҳларида келтирилган. Ваҳб ибн Мунаббаҳ билимдон олим сифатида тарихда қолган. У қадимий китоблар ва Қуръон илмини пухта эгаллаш билан бир қаторда оламнинг яратилиши ҳақидаги ўтмиш хабарлар ва тарихий қиссаларни яхши ўзлаштирган олим эди. Унинг пайғамбарлар тарихига оид “Китабу-л-Мубтала” ва “Қисасу-л-анбия”, Яман тарихига доир “Китабу-л-мулуки-л-мутавважа мин Ҳимяр ва ахбариҳим” номли асарлари мавжуд. Табарий ва Маъсудий каби ислом оламининг буюк тарихчилари пайғамбарлар тарихи ва қадимги Яман тарихини ёритишда Ваҳб ибн Мунаббаҳнинг мазкур асарларидан кенг фойдаланганлар. Ваҳб ибн Мунаббаҳ номи илк бор Қуръони каримдаги энг узун қиссалардан бири, *“аҳсану-л-қисас”* номи билан машҳур Юсуф алайҳиссалом қиссасида учрайди. “Наҳжу-л-фародис” асарида бу ном *“Кеча-ю кундуз ибодат қилишнинг фазилатлари”* бўлимида учрайди. Умрининг йигирма йилини уйқусиз ибодатда ўтказган Ваҳб ибн Мунаббаҳнинг: *“Шайтонни кўрмоқ ёстиқ кўрмоқдан севимлироқдир”* ибораси унинг эътиқодда собит кишилардан бўлганлигига далолатдир. Асарда келтирилган навбатдаги уламо **Муҳаммад ибн Исҳоқ** бўлиб, у ўз замонасининг буюк ҳадисшуноси, тарихчиси ва “сияри набий” жанрининг илк асосчиларидандир. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётлари ва пайғамбарлик фаолиятларини ўзида акс эттирган асарлар дастлабки икки ҳижрий аср мобайнида “Мағозий ан-набий”, “Мағозий Расулиллаҳ” (Пайғамбар ғазотлари) номи билан юритилган. Ибн Исҳоқнинг “Китаб ал-мағозий”си кейинчалик Абдумалик ибн Ҳишом томонидан қайта ишланиб, “Ас-сийра ан-набавиййа” деб номланиши билан бу турдаги асарлар “сийра” деб юритила бошланган. Ибн Исҳоқ томонидан яратилган сийрада нафақат сўнги пайғамбар балки исломиятдан аввалги

пайғамбарлар тарихи юзасидан маълумотлар мавжудлиги диққатга сазовор. “Қисаси Рабғузий”да муаллиф Муҳаммад (с.а.в.)га пайғамбарликнинг ваҳий қилиниши бўлимида Ибн Исҳоқдан ***“Ул кунким Жаброил Расул алайҳиссаломга кўрунди, айди, “Ё Муҳаммад севунч санга Мавло Таоло ўн нарса ато қилдиким, ўз ялавочларига бермади...”*** тарзидаги ривоятдан фойдаланган. **Имом Калбий** номи асарнинг инсоният яратилиши тарихи ва Сулаймон алайҳиссалом қиссаларида кузатилади. Баъзан Имом Калбий, баъзида Ал-Калбий шаклида қўлланилган. Имом Калбий араб қавмлари ва уларнинг исломиятдан аввалги, диний ва ижтимоий ҳаётлари юзасидан энг кўп маълумот тўплаган Куфа уламоларидан бири ҳисобланади. Унинг жоҳилия араблари сиғинган санамлар ҳақида маълумот берувчи асари мавжуд. Асарда номи зикр этилган ислом уламоларидан яна бири **Шайх Шиблий** ҳисобланади. Шайх Абу Бакр Шиблий ҳам ўз даврининг тенги йўқ илм аҳлларидан бири ҳисобланган. Аллома Жунайд Бағдодийнинг шогирди Мансур Халлож билан бир даврда яшаб, ҳамфикр дўст бўлгани ва авлиёлик даражасига етгани тарихий битикларда қайд этилган. Халқаро Фирдавсий мукофоти соҳиби Шоислом Шомуҳамедов Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” асари сўнгида тузган изоҳида Шиблий ҳақида сўз юритиб, “Шиблий – Абу Бакр Муҳаммад ибн Халаф араб тилида ижод қилган тасаввуф шоири. Ўзи Ўрта Осиёдан чиққан (Бухоро). 945 йилда Бағдодда вафот этган”, дейди. Шайх Шиблий умр бўйи сафарларда бўлиб, илм-маърифат тарқатган ва кўплаб шогирдларга устозлик қилган. Баъзи манзилгоҳ – роботларда узоқ муддат яшаганлари сабаб, ўша ерлар қадамжо сифатида у кишининг ҳурмати юзасидан “Шиблий”, “Шилвий” деб номланган. Шайх Абу Бакр Шиблий ҳаёти, фаолияти ҳақида кўплаб тарихчилар, тазкиранавислар, олимлар баҳоли қудрат ўз асарларида тасвирлашга ҳаракат қилишган. Уларда алломанинг илм салоҳияти, карамотлари кўрсатиб ўтилган. Ҳатто буюк Алишер Навоий ҳазратлари ҳам машҳур “Насойиму-л-муҳаббат мин шамойиму-л-футувват” асарида 77 та шайх-авлиёларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қисқа маълумот берар экан, шайх Абу Бакр Шиблийга ҳам маълум ўрин ажратган. Шайх Шиблийнинг таъкидлашича, йигирма йил турли ровийлардан ҳадис ёзиб олиш ва йигирма йил фиқҳ асосларини ўрганишга умрини сарфлаган. Абдураҳмон Суламий, Абулқосим Каширий сингари донишмандлар ҳам Шайх Шиблийнинг ноёб фазилати, хислатлари ҳақида ғаройиб ҳикоялар ёзиб қолдирганлар[1].

Асарда номи келтирилган навбатдаги ислом уламоларидан бири **Яҳё ибн Муъоз ар-Розий** бўлиб, тўлиқ исми Абу Закариё Яҳё ибн Муъоз ар-Розийдир (830 – 871). У тасаввуф тариқатининг йирик намоёндаси, воиз ва нотиқликда ўз замонасининг ягонаси бўлган. Асарда Рабғузий Яҳё ибн Муъоз ар-Розий ҳақида қуйидаги ҳикоятни келтиради: “*Яҳё ибн Муъоз ар-Розий айтур: Ҳажга ўградим. Ёлғузин бодия ичинда тун қоронқусинда инжиқға ўградим, овоз эшитдим. Овозни изардим эрса тикан аросинда бир абушқа кўрдим явлоқ йиғлаюр. “На бўлдунг, на йиғларсен?”, теп сўрдим. Айтур: “Нетак йиғламайин, фаришталарга муъаллим эрдим, ужмоҳға эрклик эрдим. Ерда, кўкда тоатлар телим қилдим. Охири лаънатга шойиста бўлдум”, теди. Билдимким Иблис эрмиш....* ” Иблис ва тасаввуф олими Яҳё ибн Муъоз ар-Розий ўртасида кечган суҳбат орқали Рабғузий такаббурлик охир оқибат пушаймонликка сабаб бўлиши тўғрисидаги эзгу фикрни моҳирона ифодалаган.

“Қисаси Рабғузий” асарида юқорида номлари зикр этилган олимлардан ташқари, Абу Ҳурайра (р.а.), Имом Яъқуб Суфён, Қаффол Шоший, Ҳасан Басрий, Ҳомид Насавий, Анас ибн Молик, Молик ибн Сулаймон ал-Ҳаровий, Ҳадиқа ал-Яманий, Шайх Зуннун Мисрий, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний, Аҳмад Абу Абдуллоҳ аш-Шайбоний, Абу Исҳоқ Нишопурий, Абу Ҳанифа ан-Нуъмон, Абу Мусо ал-Ашъарий каби кўплаб дин арбоблари ва ислом уламолари номлари келтирилган. Буюк аждодларимиз фаолиятлари ва асарларини, уларнинг бутунжаҳон тамаддунига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ислом қадриятларини тўғри англашда муҳим аҳамият касб этади.

[1] https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot. Ш.Шаропов. Шайх Шиблий ким бўлган?